

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Музаффар Турдибоевич Тожибоев,  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**For citation:** Muzaffar T. Tojiboev, ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE HISTORY OF NATIONAL AND PUBLIC HUMAN VALUES IN INTERNATIONAL RELATIONS IN THE DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.156-162

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583091>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги туб ўзгаришлар, изчил ислохотлар даврида жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўрни муҳокама қилинади, шунингдек, унинг миллат раўнақидаги ўрни ва соғлом авлодни тарбиялашдаги аҳамияти инсон қадриятлари билан қандай боғлиқлиги масаласи муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** миллий, умумбашарий мерос, миллий ва умуминсоний мерос, жамият тараққиёти, тинчлик ва барқарорлик, ор-номус ва кадр-қиммат, ҳурмат, буюк даҳо, дунёқараш, ўз-ўзини англаш, инсон манфаатлари, ЮНЕСКО.

Музаффар Турдибоевич Тоджибоев,  
кандидат исторических наук, доцент,  
Академия МВД Республики Узбекистан

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИСТОРИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЯХ В ПРОЦЕССЕ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

В статье обсуждается роль национальных и общечеловеческих ценностей в обеспечении мира и стабильности в обществе в этот период коренных изменений, а также обсуждается вопрос о том, что его место в процветании нации и значение в воспитании здорового поколения связано с человеческой ценностью.

**Ключевые слова:** национальное, общечеловеческое наследие, национальные и общечеловеческие наследия, прогресс общества, мир и стабильность, честь и достоинство, уважение, великий ученый, мировоззрение, самосознание, человеческие интересы, ЮНЕСКО.

**Muzaffar T. Tojiboev,**  
candidate of Historical Sciences,  
Associate Professor,  
Academy of the Ministry of Internal Affairs  
of the Republic of Uzbekistan

## **ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE HISTORY OF NATIONAL AND PUBLIC HUMAN VALUES IN INTERNATIONAL RELATIONS IN THE DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN**

### **ABSTRACT**

The article discusses the significance of nation-wide and universal values in peacekeeping and stability in the society in the period of drastic changes and issues of its place in prosperity of the nation and importance in education of healthy generation connected with universal values are discussed as well.

**Index Terms:** national, universal heritage, national and universal heritage, progress of society, peace and stability, honour and dignity, respect, great scholar, world outlook, self-consciousness, human interests, UNESCO.

### **1.Долзарблиги:**

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос ўтмишнинг ютуғи, уни тўла ва оқилона эгаллаш, такомиллаштириш ҳозирги замон авлодларининг муқаддас бурчидир. Ўзининг маданий меросини, қадриятларини билмаслик ёки менсимаслик эса миллат ва унинг истиқболи учун катта фожиадир. Жамият тараққиётининг асоси уни муқаррар халокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир. Маънавияти юксак даражада ривожланган инсонгина истиқлол ва мустақиллик учун курашда ўзида иродавий куч ва қудрат топа олиши мумкин.

### **2.Методлар:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлилик, изчиллик, холисоналик каби тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда янги Ўзбекистоннинг ривожланиш жараёнларида миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихининг халқаро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил этилган.

### **3.Тадқиқот натижалари:**

Ўзбекистон давлати тараққий этган демократик мамлакатлар сифатида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгалламоқда. Унинг инновацион тараққиёти сиёсий, иқтисодий ва тарбиявий тадбирларга янги мазмун киритди. Маънавий ва ахлоқий покликни қайта тиклаш ўзбек халқининг миллий ва маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қадимий ва замонавий миллий маданий бойликларни асраш, тарихий, миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳамда анъаналар тажрибасини таълим-тарбия тизимида киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир. Ҳозирги даврда фуқароларнинг онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, уларни келажаги буюк давлатнинг муносиб фарзандлари қилиб камол топтириш замон талабидир.

Бу борада 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси [1] нинг қабул қилиниши бир томондан шу вақтгача қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмларини фаол ҳаракатга келтирган бўлса, иккинчи томондан ана шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш асослари ва йўналишларини белгилаб берди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги даври учун муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга тарихий ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ижтимоий жараёнларга нисбатан цивилизацияон ёндашувда цивилизацияларнинг муайян тарихий босқичлари – цивилизациягача бўлган архаик, анъанавий ёки ибтидоий жамият, аграр-хунармандчилик цивилизацияси, индустриал, саноат цивилизацияси, ҳозирги замон постиндустриал ёки инфорацион цивилизациялар ажратиб кўрсатилади. Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги тараққиёт йўлига Президент Ш.М.Мирзиёев қуйидагича

таъриф беради: «Янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш – Яратганнинг ўзи бизга берган тарихий имконият, десак, тўғри бўлади»[2].

Қайд қилиш лозим, цивилизация йўли халқнинг миллий менталитети, анъаналари, толерантлик ва миллий манфаатлари ҳамда миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги асосида амалга ошириб, мамлакатнинг жаҳон цивилизациясига интеграциялашуви жараёни содир бўлмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва миллий давлатчилик модели, энг аввало, иқтисодий-тарихий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг турмуш даражасидаги кўрсаткичларига биноан жаҳон цивилизациясидаги ўрни ҳамда мавқеини белгилайди. Жаҳондаги замонавий миллий давлатчилик моделларининг ўзига хослиги – биринчидан, жамиятда диний ва дунёвий дунёқараш меъёрларининг жамият сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳамда миллий ва умумбашарий кадриятни ҳаётга таъсири билан, иккинчидан, уларнинг иқтисодий тараққиёт ҳамда сиёсий ижтимоий жараёнларнинг жадал ривожлана бориши билан белгиланади.

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган, унинг ижроси доирасида 2017 йилда 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакат парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди. Ўтган йили «юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди» [3]. Шу билан бирга, мамлакат тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкумни афв этиш тўғрисидаги Президент фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварликнинг юксак наъмунаси бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган асосий вазифаларни, жумладан, миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Шунингдек, Европа иттифоқи ва 21 та хорижий мамлакат билан савдо-иқтисодий, инвестиция, технология ва молиявий – техник соҳаларда 22 та “йўл харитаси” тасдиқланди [4].

Янгиланаётган Ўзбекистондаги ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. 2017 йил май ойида биринчи мартаба юртимизга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ташриф буюрди. Зайд Раад ал-Хусайн Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида ислохотлар изчил олиб борилаётганини эътироф этиш билан бирга, бу жараёнларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Петер Буриан эса Европа Иттифоқи 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга тайёргарлигини маълум қилди[5]. Табиийки бу жараёнлар минтақада ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистоннинг XXI аср учун ташқи сиёсат концепциясида асосий устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё минтақаси ўрин олди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизнинг ҳаётини муҳим манфаатлари бу минтақадаги “ён қўши-жон қўшни” мамлакатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон географик жиҳатдан қараганда Марказий осий минтақасининг юраги ҳисобланади. Ўзбекистон минтақадаги ҳар бир давлат – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Афғонистон билан умумий чегараларга эга. Бундан ташқари, бутун транспорт-коммуникация инфратузилмаси алоқа линиялари ва энегетика тизимлари республикамиз ҳудудида жойлашган ёки у орқали ўтган. Бу ҳол табиийки Ўзбекистоннинг геосийсий ролини белгилаб беради [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига қилган ташрифи ҳам ана шундай дўстона алоқаларга мустаҳкам боғлашга имкон берди. Ўзбекистон

Республикаси президенти Ш. Мирзиёевнинг фикрларига кўра “Ўзбек-қозоқ муносабатлари Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади[7]”.

Бугунги кунда Ўзбекистон қўшни давлатлар билан ҳам муносабатларни ҳар тарафлама мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳам янгича мазмун касб этиб, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар фаоллашди. Икки мамлакат Президентларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ҳамда бшқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашда янги даврни бошлаб берди. Аини пайтда чегара постлари очилиб, транспорт алоқалари қайта тикланди.

Умуман, 2017 йил Ўзбекистон учун халқаро ҳамкорлик борасида ўзига хос самарали йил бўлди. “Марказий осие – ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши” тамойилини амалда тадбиқ этишга эришилди. Хусусан, Туркменистон билан стратегик шериклик ўрнатилди, икки давлат ўртасида Амударёдан ўтувчи автомобиль ва темир йўл кўприклари фойдаланишга топширилди, қишлоқ хўжалик техникаларини етказиб бериш соҳасида ўзаро алоқалар мустаҳкамланди, Қозоғистон билан икки давлат ўртасидаги чегара ўтказиш пунктлари (М-39) фаолияти қайта тикланди. “Тошкент-Олмаота”, “Самарқанд-остона-Нурли Жол” йўналиши бўйича темир йўл қатновлари йўлга қўйилди. 2 миллиард АҚШ долларидан ортик ҳажмдаги савдо ва сармоявий битимлар имзоланди. Қирғизистон билан давлат чегараси тўғрисида шартнома, чегара ҳудудларида ишонч чоралари тўғрисида битим ва стратегик шериклик тўғрисида декларация имзоланди. Тожикистон билан савдо-сотик, иқтисодий алоқалар янада кенгайди, Тошкент-Душанбе ўртасида авиа қатноқ йўлга қўйилди, икки мамлакат ўртасида маданият кунлари ўтказилди[8].

Географик, геосиёсий, шунингдек кадриятлари муштарак бўлган ягона маданий макон ҳисобланган Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи халқларни умумий маънавий кадриятлар, ўтмиш, ўхшаш миллий анъна ва урф-одатлар, асрлар давомида шаклланган менталитет бирлаштириб туриши маълум. Бу борада бугунги янгиланаётган Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, хусусан адабий-маданий жабҳалардаги ҳамкорликни ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги[9] Қарори, 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги[10] Қарори Ўзбекистоннинг улкан дўсти бўлган буюк ижодкорга юксак ҳурмат – эҳтиром кўрсатилаётгани қардош қирғиз халқи билан яқин қўшничилик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, адабиёт, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди [11].

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Ш.Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эса халқимиз дилидаги аини муддао бўлди. Бу қарорга мувофиқ халқимиз, айниқса, ёш авлодни атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Жиззах шаҳрида унинг мемориал уй-музейини ташкил қилиш ва музей ҳудудини ободонлаштириш каби вазифалар белгиланди[12].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорликда ҳам ташқи сиёсат, ҳуқуқий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик масалалари фаол бўлди[13]. Жумладан, иқтисодиётга илм-фанни интеграция қилиш, юқори инновацион технологияларни жалб этиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилди. Ўзбекистон раҳбарининг Россия Федерация-сига қилган расмий ташрифларида ҳамда нуфузли халқаро форумлардаги иштироки Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти учун очиқ эканини намоён этди, турли йўналишларда кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини жадал ривожлантиришга тайёргарлигини кўрсатди. Ўз навбатида Россия Федерацияси Президенти В.Путин

Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, турли элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналарни асраш, ривожлантириш ҳамда келажак авлодга етказиш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни юқори баҳолади[14].

Умуман, Ўзбекистон барча хорижий ҳамкорлар билан ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб, асосий ташқи сиёсат ҳаракатларини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифалар доирасида халқаро майдонда алоқаларни кенгайтиришга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича амалий қадамларда ўз аксини топди.

Ҳеч бир халқ ўзлигини англамасдан, миллий маданияти, миллий қадриятларини асраб-авайлаб сақламасдан туриб, бошқа халқлар қадриятларига ҳурмат билан қарай олмайди. Ўзбекистоннинг куч-қудрати халқнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир. Жумладан, Маънавий, миллий ва умумбашарий қадриятлар соҳасида ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президент ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорлик борасида мамлакат тарихида ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди[15].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази ва Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этилди. Янгиланган Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказлари, Ўзбекистон Ислом Академияси, Мир Араб мадрасаси каби янги тузилмалар муқаддас динимизнинг асл ғояларини ўрганиш, буюк алломалар, азиз-авлиёлар илмий меросини чуқур тадқиқ этиш жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш имконини янада кенгроқ очиб берди. Бу борада халқаро ҳамкорлик масалалари муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилган вақтдан бери жаҳондаги 20 дан ортиқ худди ана шундай м арказлар билан алоқа ўрнатди. Англиянинг Кембриж университети, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Британия музейи ва кутубхонаси, Истанбулдаги қатор илмий-текшириш институтлари, Тўпқопи музейи, Франция ислом маркази, Париждаги Лувр музейи, Париж миллий кутубхонаси, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи ва бошқа қатор етакчи муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, марказ кутубхонаси учун 400 дан ортиқ китоблар харид қилинди. Улар орасида Бобурийлар даврида Дехли ва Лаҳорда кўчирилган Қуръони Карим нусхалари, МСА тарихига оид манбалар, шунингдек, буюк боболаримиз асарларининг турли тиллардаги тошбосма нусхалари ташкил этди [16]. Айни пайтда вилоятларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида илми ва тасаввуфни ўрганишга ихтисослашган бешта ишмий мактаб очилганлиги ҳам бу белгиланган ишларни бажаришда катта аҳамият касб этди[17].

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан сўнг иккинчи йирик ташкилот ҳисобланиб, унга дунёнинг 57 давлатни қамраб олинган бўлиб, ушбу мамлакатлар нафақат диний, балки дунёвий давлат тузилишига эга, ИХТ мусулмон оламининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларини ҳал қилишда аъзо мамлакатлар салоҳиятини бирлаштиришни мақсад қилиб олган нуфузли ташкилот бўлиб, 2016-2017 йиллар Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашига раислик ҳуқуқи Ўзбекистонга берилди. Бу республиканинг ислом дунёсидаги нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди[18]. Ўзбекистон раисликни 2016 йилнинг 18 октябрида Тошкентда бўлиб ўтган ИХТ Ташқи ишлар вазирлар кенгашининг 43-сессиясида

кабул қилди. Ўзбекистон ИХТга раислигини илк кунларидан “Таълим ва маърифат-тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” шиорини илгари сурди.

Ўзбекистон тарихи ҳамда миллий ва умумбашарий қадриятлар халқаро муносабатлар биринчи жиҳатдан Ватан манфаати ҳамда инсонийлик, одамийлик ва бағрикенглик фазилатларини ифода қилган бўлса, иккинчи жиҳатдан мамлакатда турли миллат ва элат вакилларининг шахсий ва давлат манфаатларини ифода этиши ҳамда халқнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлган. Айни пайтда, мазкур муаммо махсус тадқиқот объекти бўлмаганлиги учун ҳам улар ҳамжиҳатлиги ва уйғунлигининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини мустақилликка эришиш остонаси ва мустақиллик йилларидаги туб ўзгаришлар асосида таҳлилий тарзда очиқ беради. Учинчи жиҳати, миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳамда халқаро муносабатлар бу ўз навбатида мустақил давлат тарихий ривожланиш босқичларининг халқаро майдондаги бир қисми бўлиб, муҳим муаммолар сирасига қиради.

#### 4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги пайтда олижаноб, меҳнатсевар, мард ва мардона халқнинг фаровон, тўқис ҳаёт кечириши йўлида янада дадил қадамлар қўйилмоқда. Амалга оширилаётган туб ислохотлар эса шубҳасиз республика ҳамда халқаро ҳамжамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Демак, янгиланаётган Ўзбекистон тарихи ривожланиши жараёнларида бу тарихий стратегик ҳужжат миллий ва умумбашарий қадриятларнинг «йўл харитаси» сифатида туб бурилиш тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

#### Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” (<http://lex.uz/docs/3107036>) (“Strategy of actions on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021” provided in appendix 1 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2017 of No. 4947).
2. Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь (People's Speech, December 29, 2018.).
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.74. (Mirziyoyev Sh.M. The consent of our people is the highest value that we attach to our activities. –Tashkent: Uzbekistan, 2018. - P.74.)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта усутвор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи. 2017 йил 16 август. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. "On measures for further implementation of the Action Strategy in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021" // People's speech. August 16, 2017.)
5. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда // Халқ сўзи.2017 йил 23 июнь. (Cooperation between Uzbekistan and the European Union is expanding // People's speech. June 23, 2017.)
6. Гафуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий осиё ва Форс кўрфази давлатлари амалиёти. – Тошкент. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.147. (Gafurov S.M. Security Strategy: Practice of Central Asia and the Gulf Countries. - Tashkent. Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2007. - 147 p.)
7. Интервью века! Шавкат Мирзиёев дал интервью. Заявления Президента вас заинтригуют... // <http://upl.uz/index.php?newsid-2106>. 2017. 21 марта. (Interview of the

- century! Interview with Shavkat Mirziyoyev. The President's statements will intrigue you ... // <http://upl.uz/index.php?newsid-2106>. 2017.21 March.)
8. 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили. – Тошкент. Адолат, 2017. – Б.88.( 2017 is a year of radical reforms. - Tashkent. Adolat, 2017. -- p. 88.)
  9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва уни тарғиб қилиш тўғрисида” // Халқ сўзи. 2018 йил, 14 март. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan. "On the wide study and popularization of the creative heritage of the great Kazakh poet and thinker Abai Kononbaev" // People's speech. March 14, 2018.)
  10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” // Халқ сўзи. 2018 йил, 3 апрель. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On wide celebration of the 90th anniversary of the great writer and public figure Chingiz Aitmatov" // People's speech. April 3, 2018)
  11. Каримов Д. Адабиётимизга юксак эътибор ва ғамхўрлик // Халқ сўзи. 2018 йил 7 апрель. (Karimov D. High attention and care for our literature // Xalq so'zi. April 7, 2018.)
  12. Улуғларни улуғлаган юрт // Халқ сўзи. 2017 йил 1 апрель. (The country that glorified the great // Word of the people. April 1, 2017)
  13. МДХ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси тўғрисида ахборот // Халқ сўзи. 2017 йил 8 апрель. (. Information about the meeting of the Council of Foreign Ministers of the CIS // People's speech. April 8, 2017)
  14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва россия Федерацияси Президенти В.В.Путиннинг Қўшма Баёноти // Халқ сўзи. 2017 йил 7 апрель. (Joint statement of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev and the President of the Russian Federation V.V. Putin // People's speech. April 7, 2017.)
  15. Улуғларни улуғлаган юрт // Халқ сўзи. 2017 йил 1 апрель. (The country that glorified the great // People's word. April 1, 2017)
  16. “Ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш” барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти // Халқ сўзи. 2018 йил, 20 июнь. ("Education of our youth in the spirit of national and universal values" - the most important condition for achieving sustainable development // People's Word. June 20, 2018)
  17. Ўзбекистонда диний бағрикенглик /<https://strategy.uz/index.php?news=1014>. Мурожат қилинган сана 2020 йил, 16 август. (Religious Tolerance in Uzbekistan / <https://strategy.uz/index.php?news=1014>. Application date August 16, 2020.)
  18. Қодиров Ў. Таълим ва маърифат тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Халқ сўзи, 2017 йил 15 август. (Kodirov O. Education and enlightenment - the path to peace and creativity // People's speech, August 15, 2017)

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000